

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банки
филиалининг**

Н И З О М И

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг (кейинги барча ўринларда “банк”) филиали (кейинги барча ўринларда “филиал”) фаолиятини тартибга солади.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ҳамда “Банк сирини тўғрисида”ги Қонунлари, шунингдек 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ЎРҚ 370-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар, Адлия вазирлигида 2013 йил 21 ноябрда 2528-рақам билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари” ҳамда банк Устави асосида ишлаб чиқилган.

3. Филиал ўз фаолиятини банк берган ваколатлар доирасида, банкка берилган лицензиялар асосида амалга оширади.

4. Филиал банкнинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

7. Филиал юридик шахс ҳисобланмайди. Унинг мажбуриятлари юзасидан банк жавоб беради. Хўжалик фаолиятида филиал банк номидан иш юритади.

8. Филиал алоҳида баланс, ўз номи туширилган думалоқ муҳр, тўртбурчак штамп ва бланкларга, шунингдек ўз номига эга.

9. Филиал фаолиятини таъминлаш учун банк унга зарур бўлган маблағлар ва бошқа мулкни хўжалик юрителик ҳуқуқи асосида бириктириб қўяди. Филиал ўзига ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда, банк томонидан берилган ваколатлар доирасида тасарруф этади.

10. Филиал ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, банк Устави, банк акциядорлари умумий йиғилиши, Кенгаши ва Бошқарувининг қарорлари ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

11. Филиал томонидан тўлов операциялари бажарилиши учун “Агробанк” АТБ Ҳисоб-китоб марказида (банк коди 09004) вакиллик ҳисобварағи очилади.

12. Давлат филиалнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас. Филиал давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

13. Акциядорлар, мижозлар ва омонатчиларнинг филиалдаги пул маблағлари ҳамда бошқа мулки, жумладан омонатлари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда хатланиши мумкин.

14. Филиал ходимлари филиалнинг ўзи, мижозлари, омонатчиларига қаршли ҳисобварақлар ва улар бўйича операциялар, банклардаги мулкларини тўғрисидаги маълумотларни сир сақлашлари шарт. Барча маълумот ва ахборотлар амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда берилиши мумкин.

2. Маблағлари ва ресурслари

15. Филиалнинг ресурслари қуйидагилар ҳисобидан ташкил топади:

- а) филиал фойдасидан;
- б) жалб этилган депозитлар ва ресурслар ҳисобидан;
- в) банк томонидан ажратилган ресурслардан.

16. Филиал иқтисодий меъёрларга риоя қилган ҳолда банк Бошқаруви томонидан белгиланган кредит лимитлари доирасида мавжуд ресурслар ҳисобидан банкнинг кредит сиёсатига мувофиқ равишда кредит беради.

17. Филиал банкнинг бошқа филиалларига келишилган шартномалар асосида ресурсларни сотади ва сотиб олади.

3. Мажбуриятлари ва жавобгарлиги

18. Филиал ўз зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида тўла-тўқис бажаради.

19. Филиал омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қуйидаги мажбуриятларга эга:

а) Марказий банк томонидан белгиланган умумий иқтисодий нормативларга риоя этади;

б) Марказий банкда мажбурий захираларни сақлаш мақсадида банкка ўз вақтида маблағлар ўтказилишини таъминлайди;

в) фуқаролардан қабул қилган омонатларни шартнома шартларига мувофиқ фоизлари билан биргаликда ўз вақтида қайтарилишини кафолатлайди;

г) банк томонидан Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармасига йўналтирадиган бадалларни филиалда мавжуд омонатлар доирасида, қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда банкка ўтказиб беради;

д) филиал ўз фаолиятига оид ҳисобот ва бошқа ахборотларни банкнинг Марказий аппарати, ҳудудий бошқармаси ҳамда Марказий банкнинг Ҳудудий бош бошқармасига қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида тақдим этиши шарт.

20. Филиал ўз мижозлари ва омонатчиларининг ҳисобварақлари, операциялари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашга кафолат беради. Филиалнинг барча ходимлари филиал, унинг мижозлари ва омонатчиларининг банк операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига оид маълумотларни сир сақлашлари шарт. Банк сирига оид маълумотлар фақат қонунда белгиланган тартибда ошкор қилиниши мумкин.

21. Филиал маблағларининг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши, шу жумладан тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағлар миқозларнинг ҳисобварақларига киритилиши учун жавобгар.

22. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари талабларига филиал қатъий амал қилади.

23. Филиал қонунда белгиланган ҳолатларда ва ўрнатилган тартибда бошқа ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

4. Операциялари

24. Филиал банк Уставида кўзда тутилган қуйидаги операцияларни амалга оширади:

а) жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

б) юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ўрнатилган тартибда депозит ҳамда омонатларга жалб этиш;

в) кредитларнинг қайтарилиши, фоиз мажбуриятлари ва муддатлилиги шартлари асосида ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;

г) маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

д) чет эл валютасини юридик ҳамда жисмоний шахслардан белгиланган тартибда сотиб олиш ва уларга сотиш;

е) чеклар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассация қилиш;

ё) мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини учинчи шахслардан олиш;

ж) қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, сақлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш, миқоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

з) банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатиш;

и) ҳужжатлар, турли қимматликлар ҳамда бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш;

й) молиявий лизинг;

к) инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва молиялаштириш;

л) жисмоний шахсларга истеъмол, ипотека ва бошқа кредитларни бериш;

м) халқаро банк амалиётига мувофиқ лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

25. Филиал банк Бошқаруви томонидан белгиланган банк хизмат ҳақи тарифларига қатъий риоя қилган ҳолда мижозларга банк хизматларини кўрсатганлиги учун воситачилик ҳақи миқдорларини шартномалар асосида белгилайди.

5. Ҳуқуқлари

26. Филиал банк операцияларини амалга оширишда ўз ваколати доирасида мустақил қарорлар қабул қилади ва қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларни банк фойдалилигини таъминлаган ҳамда қарз олувчилар билан келишилган ҳолда ўз ваколати доирасида мустақил белгилаш;

б) мижозлар билан тузилган шартнома асосида ўтказилаётган операцияларнинг фоиз ставкаларини ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган ҳақ миқдорини тизимдаги мавжуд меъерий ҳужжатларга зид бўлмаган ҳолда белгилаш;

в) кредит шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бузилган ҳолатда кредит беришни тўхтатиш, берилган кредит суммаларини муддатидан аввал ундириб олиш;

г) филиал фаолияти билан боғлиқ бўлган шартномаларни банк номидан белгиланган тартибда тузиш;

д) қорхона ва ташкилотларни қонунда белгиланган ҳолатларда тўловга лаёқатсиз деб эълон қилиш, уларни қайта ташкил этиш ёки тугатиш ҳақида белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

6. Фойдаси ва унинг тақсимооти

27. Филиал томонидан олинган йиллик фойда банк Акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ белгиланган тартибда тақсимланади.

28. Филиал ўз молиявий ҳўжалик фаолиятини ўрнатилган тартибда тасдиқланган банкнинг бизнес-режаси ва бюджетида белгиланган прогноз параметрлари асосида юритади. Филиал бизнес-режаси ва бюджетига қўшимчалар ҳамда ўзгартиришлар банк Кенгаши ҳамда Бошқаруви қарорлари асосида киритилади. Филиал бюджетида белгиланган харажатлардан ташқари бошқа тўловлар ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

29. Филиалнинг фойдаси ўз фаолиятининг барча турларидан олинган даромадлардан, барча операцион харажатлар, хусусан солиқ тўловлари,

меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа харажатлар ўтказилганидан сўнг ташкил топади.

7. Бошқариш масалалари

30. Филиал фаолиятига умумий раҳбарлик банк Бошқаруви тарафидан амалга оширилади.

31. Бошқарувчи филиал фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади, банк операцияларининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади.

32. Бошқарувчи ўз фаолиятини банк Бошқаруви томонидан бериладиган ишончнома асосида юритади.

33. Банк Бошқаруви филиал бошқарувчиси ва бош бухгалтерини Марказий банк билан келишилган ҳолда тайинлайди.

34. Филиал бошқарувчиси:

а) филиал ваколатлари доирасига кирувчи масалалар юзасидан буйруқ чиқаради;

б) барча ташкилотларда филиал номидан иш юритади;

в) ишончнома асосида банк номидан шартномалар тузади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

г) ходимларни тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ ёллайди, фаолият натижаларига кўра уларни рағбатлантиради, ходимлар томонидан меҳнат қонунчилиги бузилган ҳолатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўради;

д) фаолияти билан боғлиқ масалаларни банк Бошқарувида кўриб чиқиш учун ўрнатилган тартибда киритади;

е) ушбу Низомдан келиб чиқувчи бошқа вазифаларни бажаради.

35. Филиал бошқарувчиси муайян сабабларга кўра ишда бўлмаганда унинг вазифасини ҳудудий бошқарманинг буйруғи асосида тайинланган ходим банк Бошқаруви томонидан бериладиган вақтинчалик ишончнома асосида бажаради.

36. Банк Бошқаруви филиал бошқарувчисининг ваколатини қайта кўриб чиқиб, лавозим мажбуриятларини филиал фаолиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда ўзгартириши мумкин.

37. Филиалнинг бош бухгалтери филиал бошқарувчисига бўйсунди, бухгалтерия ҳисобини юритиш масалалари бўйича эса ҳудудий бошқарма ҳамда Марказий аппаратнинг бош бухгалтери кўрсатмаларига қонунчиликда белгиланган тартибда амал қилади.

8. Ҳисоб-китоб ва ҳисобот масалари

38. Филиалда ҳисоб-китоб ва ҳисобот масалалари Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, Бухгалтерия

ҳисобининг миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда банк Бошқаруви томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ташкил этилади.

39. Филиал ўз фаолиятига оид маълумот (электрон баланс ва бошқалар)ни Марказий аппаратнинг тегишли таркибий тузилмаларига тезкор (электрон) каналлар орқали ҳар куни юбориб туради.

40. Филиалнинг якуний фаолияти ойлик, чорак ва йиллик балансларда, унинг даромадлари ҳамда харажатлари банк томонидан белгиланган ҳажмда ва муддатда топшириладиган ҳисоботларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботда акс эттирилади.

41. Филиалнинг операцион йили 1 январдан бошланиб, 31 декабрда якунланади.

9. Фаолиятини тафтиш қилиш ва аудитдан ўтказиш масалалари

42. Банкнинг Ички аудит департаменти ходимлари филиал фаолиятини аудитдан ўтказди.

Бундай тафтишни, шунингдек филиални бевосита тафтиш қилиш ёки текширишни банк Бошқаруви томонидан тузиладиган комиссия ҳам ўтказиши мумкин.

43. Филиални тафтиш қилиш ва текширувлар ўтказиш тартиби амалдаги меъёрий ҳужжатлар ҳамда банк Устави билан белгиланади.

44. Филиалнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа ваколатли идоралар томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ текширилиши мумкин.

10. Фаолиятини тўхтатиш

45. Филиалнинг фаолияти банк Кенгаши йиғилишининг қарорига мувофиқ, шунингдек амалдаги қонунларда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда тўхтатилади. Филиални тугатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун банк тугатиш комиссиясини ташкил этади.

46. Тугатилган филиалнинг мулки қонунда белгиланган тартибда бюджет, бюджетдан ташқари жамғармалар, иш ҳақи билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган тўловлар ҳамда барча кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинган банкка топширилади.

47. Филиалнинг тугатилиши ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.